

“Агробанк” ОАТБ
Бошқаруви йиғилишининг
2014 йил “30” декабр даги
84/2-10 - сонли қарорига илова

Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш
ва мониторинг қилиш департаментининг
НИЗОМИ

Тошкент - 2014

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Марказий банкнинг “Инвестиция лойиҳаларини эркин айирбошланадиган валютада кредитлаш тўғрисида”ги Низоми, банкнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, департамент ўз фаолиятини ушбу ҳужжатлар талабларига асосланган ҳолда ташкил этади.

2. Инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти (кейинги ўринларда департамент деб аталади) банкнинг таркибий тузилмаси бўлиб ҳисобланиб, унинг штат бирлиги банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

3. Ушбу Низом департаментнинг мақсади, вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

4. Департамент куйидаги тузилмалардан ташкил топган:

1) Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бошқармаси, унинг таркибида:

- а) Лойиҳаларни миллий валютада кредитлаш бўлими;
- б) Лойиҳаларни хорижий валютада кредитлаш бўлими;

2) Қишлоқ хўжалиги корхоналари лойиҳаларини молиялаштириш бошқармаси.

а) Қишлоқ хўжалиги корхоналарини миллий валютада кредитлаш бўлими;

б) Қишлоқ хўжалиги корхоналарини хорижий валютада кредитлаш бўлими.

3) Инвестиция жараёнларини бошқариш бўлими.

4) Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўлими.

5) Хорижий кредит линиялари билан ишлаш бўлими.

5. Департаментга банк Бошқаруви раиси томонидан тайинланадиган департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

6. Департамент банк раҳбарияти, Бошқаруви ҳамда Кенгашининг тошпириғи асосида ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг резидент ва норезидентлари билан ёзишмаларни ташкил қилади.

7. Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятлари мазкур Низомга илова қилинади.

8. Департаментда иш юритиш банк тизимида ўрнатилган иш юритиш тартиби талаблари асосида амалга оширилади.

Ўрнатилган иш юритиш	
"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki	
Bank metodologiyasi bo'limi	
161	mas'ul bilim so'zlash o'limi
2015 yil "16"	Энваро
	kurzo

2.Вазифалари ва функциялари

9. Департаментнинг асосий мақсади - банк томонидан жалб қилинган ва хусусий маблағлар ҳисобидан миллий ёки хорижий валютада кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳудудларда стратегик аҳамият касб этган инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ҳамда технологик куроллантиришга қаратилган лойиҳаларни банкка жалб қилиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, банк мижозларининг экспортбоп рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришини ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилишини ташкиллаштиришдан иборат.

10. Департаментнинг асосий мақсадининг бажарилишига эришиш учун амалга ошириладиган вазифалар қуйидагилардан иборат:

а)банк кредит сиёсати талабларига риоя этилишини таъминлаш;

б)молиялаштириш механизмларини такомиллаштириб бориш;

в)департамент йўналишида молиялаштирилган лойиҳалар, амалга оширилган ишлар тўғрисида зарур ҳолларда банк раҳбариятига, Кредит кўмитасига маълумот ва ҳисоботлар тақдим этиш;

г)банк филиалларида қарз олувчининг кредитни қайтариш истикболлари, кредит ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилиши, кредитнинг мақсадли ишлатилиши, белгиланган муддатларда сўндирилиши юзасидан назорат ўрнатиш, лойиҳаларнинг самарадорлигини доимий ўрганиб бориш чораларини кўриш;

д)мижозларга замонавий технологиялар танлашда кўмаклашиш, шу асосда юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш жараёнларини рағбатлантириш;

е)ҳалқаро ҳамда хорижий молиявий институтлар билан алоқалар ўрнатиш ва уларнинг кредит линияларини жалб этиш;

з)қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги ишлаб чиқариш ёки мавжуд қувватларни модернизация қилиш, молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида чет эл кредит линиялари маблағлари ҳисобидан енгил ва маҳаллий саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда асбоб-ускуна, минитехника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кредитлар (лизинг) ажратишни ташкил этиш, амалий ёрдам бериш масалалари юзасидан халқаро молия институтлари, агентликлар билан ҳамкорлик қилиш;

и)банк балансидаги банкрот ва иқтисодий ночор корхоналарда самарали бошқарувнинг замонавий усули ҳамда механизмларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш ва модернизация қилишга инвестициябар киритиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ва кейинчалик стратегик инвесторларга сотишни ташкиллаштириш.

е)департамент тармоғи йўналишида молиялаштирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар ажратиш.

Bank metodologiyasi bo'limi
161 rasmiy bilan to'yatish uchun
2015 yil 16 - subart
kuzo

11. Департаментнинг функциялари унинг бошқармалари ва бўлимлари функциялари йиғиндисидан иборат.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бошқармаси бошқармаси:

а) банкнинг инвестицион фаоллигини оширишда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг янги ишлаб чиқариш ва модернизациялашга қаратилган инвестицион лойиҳаларини, шу жумладан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ва “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарнинг модернизациялаш, қурилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш орқали юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларини банкнинг ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобидан кредит (лизинг) ажратади;

б) банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш, халқаро стандартларга мувофиқ ўрганиб тегишли таклифлар тайёрлаш;

в) инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил қилишда банкнинг ҳудудий бошқармаларига методик ва амалий ёрдам кўрсатиш.

Лойиҳаларни миллий валютада кредитлаш бўлими:

а) банк филиаллари томонидан тақдим қилинган инвестиция лойиҳаларини чуқур таҳлил асосида танлаб олиш;

б) қарз олувчиларга миллий валютада молиялаштириладиган лойиҳалар учун Бизнес режа, таҳлилий маълумот тайёрлашга тавсиялар бериш;

в) банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан миллий валютада молиялаштириш (лизинг) режалаштирилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш;

г) экспертизадан ўтказилган лойиҳаларни кўриб чиқиш учун амалдаги тартиб бўйича Марказий аппарат кредит кўмитаси учун тайёрлаш;

д) кредит кўмитанинг ижобий қарори асосида лойиҳаларга молиялаштириш очиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш;

е) банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан кредит йиғма жилдларини Марказий банк ҳамда Агробанкнинг кредитлаш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлари асосида расмийлаштирилиши устидан назорат ўрнатиш;

ё) миллий валютада ажратилган кредитлар бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўлови ҳолатини мунтазам таҳлил қилиш, банк филиалларига топшириқлар бериш.

Лойиҳаларни хорижий валютада кредитлаш бўлими:

а) банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган ХМИ маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини чуқур таҳлил асосида танлаб олиш;

б) халқаро ва хорижий молия институтлари билан тузилган шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда хорижий валютада молиялаштириладиган

4
161
2015 йил - 16 - 24/04/16
4

инвестиция лойиҳаларини жалб қилиш;

в) қарз олувчиларга хорижий валютада молиялаштириладиган лойиҳалар учун Бизнес режа, таҳлилий маълумот тайёрлашга амалий ёрдам кўрсатиш;

г) халқаро ва хорижий молия институтларининг кредит линияларини шартномада белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини таъминлаш;

д) банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютада молиялаштирилиши режалаштирилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш;

е) экспертизадан ўтказилган лойиҳаларни кўриб чиқиш учун амалдаги тартибда Марказий аппарат кредит кўмитасига тақдим этишни ташкиллаштириш;

ё) банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан кредит йиғма жилдларини ХМИ билан тузилган шартнома талаблари, Марказий банк ҳамда Агробанкнинг кредитлаш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлари асосида расмийлаштирилиши устидан назорат ўрнатиш;

ж) халқаро ва хорижий молия институтлари маблағларининг ўзлаштирилиши, улар ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар, уларнинг самарадорлиги тўғрисида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

з) маблағларнинг ўзлаштирилиши бўйича буюртманома тайёрлаш ҳамда ХМИга тақдим этиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналари лойиҳаларини молиялаштириш бошқармаси

а) банкнинг инвестицион фаоллигини оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда мажуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишда самарали инвестицион лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш;

б) банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш, халқаро стандартларга мувофиқ ўрганиб, тегишли таклифлар тайёрлаш;

в) инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил қилишда банкнинг ҳудудий бошқармаларига амалий ёрдам кўрсатиш;

г) қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш жараёнларида банкнинг фаол иштирокини ташкил қилиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини миллий валютада кредитлаш бўлими

а) банк филиаллари томонидан тақдим қилинган лойиҳаларини чуқур таҳлил асосида танлаб олиш;

б) қарз олувчиларга миллий валютада молиялаштириладиган лойиҳалар учун Бизнес режа, таҳлилий маълумот тайёрлашда тавсиялар бериш;

в) банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан миллий валютада молиялаштириш (лизинг) режалаштирилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш;

Bank metodologiyasi bo'limi

161
2015 yil - 16 - iyun

г)экспертизадан ўтказилган лойиҳаларни кўриб чиқиш учун амалдаги тартиб бўйича Марказий аппарат кредит кўмитасига тақдим этишга тайёрлаш;

д)кредит кўмитанинг ижобий қарори асосида лойиҳаларга молиялаштириш очиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш;

е)банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан кредит йиғма жилдларини Марказий банк ҳамда Агробанкнинг кредитлаш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлари асосида расмийлаштирилиши устидан назорат ўрнатиш;

ё)миллий валютада ажратилган кредитлар бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўлови ҳолатини мунтазам таҳлил қилиш, банк филиалларига топшириқлар бериш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини хорижий валютада кредитлаш бўлими:

а)банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган ХМИ маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларини чуқур таҳлил асосида танлаб олиш;

б)халқаро ва хорижий молия институтлари билан тузилган шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда хорижий валютада молиялаштириладиган лойиҳаларни жалб қилиш;

в)қарз олувчиларга хорижий валютада молиялаштириладиган лойиҳалар учун Бизнес режа, таҳлилий маълумот тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш;

г)халқаро ва хорижий молия институтларининг кредит линияларини шартномада белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини таъминлаш;

д)банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютада молиялаштирилиши режалаштирилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш;

е)экспертизадан ўтказилган лойиҳаларни кўриб чиқиш учун амалдаги тартибда Марказий аппарат кредит кўмитасига тақдим этишни ташкиллаштириш;

ё)банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан кредит йиғма жилдларини ХМИ билан тузилган шартнома талаблари, Марказий банк ҳамда Агробанкнинг кредитлаш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлари асосида расмийлаштирилиши устидан назорат ўрнатиш;

ж)халқаро ва хорижий молия институтлари маблағларининг ўзлаштирилиши, улар ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар, уларнинг самарадорлиги тўғрисида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш.

Инвестиция жараёнларини бошқариш бўлими:

а)инвестиция фаолиятини такомиллаштириш борасида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан унумли фойдаланиш бўйича тегишли тармоқлар вилоят бошқармалари ва филиаллар билан ҳамкорлик олиб бориш;

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки
Банк методологияси бўлими

161
2015 йил 16 - февраль

б)банк тизимида инвестицион фаолликни ошириш ва ислоҳ қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда банк Бошқаруви қарорлари ва топшириқларининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш;

в)банкнинг инвестицион фаолияти тўғрисидаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни банк Бошқаруви, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк ҳамда Давлат статистика қўмитаси ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда идораларга тақдим этиш;

г)инвестицион кредитлар ва лизинг ҳисоботларини шакллантириш ва истиқболли режалаш ишлаб чиқиш бўйича таҳлилий маълумотларни Бошқарув йиғилиши муҳокамасига киритиш;

Иқтисодий ночор корхоналар соғломлаштириш бўлими:

а)Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Марказий банк томонидан белгиланган тартиблар асосида банк томонидан сотиб олинган банкрот корхоналарни соғломлаштиришни ташкиллаштириш;

б)банкротлик тамойили қўлланилган, банк балансига қабул қилинган корхоналарни соғломлаштириш ва уларни салоҳиятли инвесторларга сотиш истиқболлари юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни таъминлаш;

в)корхоналарнинг умумий кредитор қарздорлигининг 70 ва ундан ортиқ фоизи банкнинг улушига тўғри келадиган ҳолатларда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳамда банкнинг тегишли тузилмаларини жалб қилган ҳолда қардор корхонани тугатиш нархларида банк балансига берилиши юзасидан хўжалик судига даъво аризаси киритилиши юзасидан тавсиялар бериш;

г)иқтисодий ночор (банкрот) корхонани тугатиш жараёнида иштирок этиш ва лозим топилганда ушбу жараёнларга банкнинг бошқа тузилмаларини ҳам жалб этиш;

д)хўжалик суди қарорига асосан банк балансига олиниши белгиланган корхоналарни жойлардаги бўлинмаларни жалб қилган ҳолда инвентаризациядан ўтказиш ишларини ташкиллаштириш;

е)банк томонидан сотиб олинган иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш юзасидан банкнинг тегишли тузилмалари билан биргаликда ташкил этиш;

ё)банк томонидан сотиб олинган иқтисодий ночор корхоналарни салоҳиятли инвесторларга сотиш масалаларида фаол иштирок этиш, корхонага қизиқиш билдираётган инвесторларнинг таклифларини ўрганган ҳолда банк Бошқарувига таклиф киритиш.

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Bank metodologiyasi bo'limi

161 umumiy hisob ra'yidagi kiritilgan
2015 yil 16 - fevral

Хорижий кредит линиялари билан ишлаш бўлими:

а) кредит линияларини жалб қилиш бўйича ХМИ ҳамда Хорижий инвесторлар билан имзоланган шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

б) халқаро ва хорижий молия институтлари билан тузилган шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда хорижий валютада молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини жалб қилиш;

в) халқаро ва хорижий молия институтларининг кредит линияларини шартномада белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини таъминлаш;

г) банкка ХМИ кредит линияларини жалб қилиш жараёнларини ташкиллаштириш амалга оширилган ишлаб бўйича департамент раҳбарига маълумот тақдим қилиш.

д) халқаро ва хорижий молия институтлари маблағларининг ўзлаштирилиши, улар ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар, уларнинг самарадорлиги тўғрисида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

е) маблағларнинг ўзлаштирилиши бўйича буюртманома тайёрлаш ҳамда ХМИга тақдим этиш.